

# ZIYO CHASHMASI




ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\*\* № 9 (188) \*\* 2010 YIL, NOYABRЬ \*\*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

18 NOYABRЬ - ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Институтимизда 18-ноябрь  
Ўзбекистон Республикаси Давлат  
байроғи қабул қилинган кун  
муносабати билан тадбир ўтказилди.

## ДАВЛАТ БАЙРОҒИ - ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Йиғилишни маънавий-маърифий ишлар проректори доцент А. Тангиров очди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган қутлуғ кун билан барчани муборакбод этди.

Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси мудири М. Хошимхонов ўз сўзида давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурматда бўлиш ва уларнинг тарихини билиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади. Давлатимиз байроғи-

даги ҳар бир ранг ўзига хос бир тушунчани англатиши, бунда катта бир ҳикмат мужассамлигини эслатди. Давлатимиз рамзларини билиш, ўрганиш ва келажак авлодга уларни авайлаб-асраб етказиш бизнинг бурчимиздир, — деди нотик.

Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири А. Пардаев Давлатимиз байроғининг

нақадар муқаддаслиги, уни асраш ва қуриқлаш катта бахт эканлиги ҳақида гапирди.

Талаба-ёшлар мустақил Ўзбекистонимиз байроғи остида янада жипслашиб, ўқишда ўрнат қўрсатишга, Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги ва равнақиға муносиб ҳисса қўшишга сўз бердилар.

**М.АБДУЛЛАЕВ,**  
“Зиё чашмаси” муҳбири.

## АМАЛИЙ ИШЛАРГА ДАЪВАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини профессор-ўқитувчиларимиз, талаба-ёшлар ва институтнинг барча жамоаси чуқур ўрганмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузаси республикамиз аҳолиси қатори институтимиз жамоасида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Институт ректорининг буйруғи билан ушбу муҳим ҳужжатни ўрганиш ва унда илгари сурилган кўрсатмаларни ҳаётга тadbик этиш чоралари кўрилди. Жумладан, маъруза аввало ҳар бир факультет, кафедра ва жамоаларда ўрганиб чиқилди. Шунингдек, барча академик гуруҳларда олти соатлик махсус курслар ташкил этилиб, дарсдан бўш вақтларда курснинг ўқувлари ташкил этилди. Республика Талим маркази тавсиялари асосида тегишли дастур режалари тасдиқланиб, институт раҳбарлари, етакчи профессор-ўқитувчилар бу ишга бириктирилди.

Институт ректорати, касаба уюшмалари қўмитаси, хотин -

қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, факультетлар деканлари, кафедра мудирилари раҳбарлигида Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган ҳулоса ва вазифалар кенг муҳокама қилинмоқда, факультетларда академик гуруҳларда, талабаларнинг турар жойларида, турли давра суҳбатлари ва мулоқот соатлари уюштирилмоқда.

— Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгилаш ишлар жараёни, — дейилади, маърузада, — бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақ ва келажиги учун бир еқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

Институт жамоаси ушбу улғувор даъватни кўнгилга жо қилган ҳолда таълим ва тарбияни юксак поғонага кўтаришга астойдил киришди ва ўз фаолиятида ушбу муҳим ҳужжатдан дастуриламал сифатида фойдаланмоқда.

## 8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Асосий Қонунимизда келажакимиз ворислари бўлган ёшларни ўқитиш, тарбиялаш энг муҳим вазифалар қаторига қўйилган.

## ИЛМИЙ КЕНГАШНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Институт илмий кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини, шунингдек Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саммитидаги нутқини ўрганишга бағишланган масала муҳокама қилиниб тегишли қарор қабул қилинди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги “2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш дастури дўғрисида”ги қарорининг институтда қай даражада бажарилганлиги ҳақидаги масалани ҳам қараб чиқди. Бу ҳақда ўқув ишлари проректори Н.Алимов маъруза қилди.

Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган ва Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларни ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида институт маънавий-маърифий ишлар про-

ректори А.Тангировнинг маърузаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Маърузачи ўтган ўқув йилида институтдаги тахсил олаётган 400 дан зиёд боқувчисини йўқотган ва 160 нафар ёрдамга муҳтож талабаларга 5,4 миллион сўмдан зиёд маблағ ҳомийлар томонидан ўтказиб берилганлиги, бу борада Жиззахдаги 8-ун комбинати, Дўстликдаги “Эл-Эрк-Нур” корхонаси, «Кизил ярим ой» жамияти, “Ишонч” кредит уюшмаси, республикамиздаги бир қатор туман ва шаҳар ҳокимликлари ва жамоат ташкилотларининг беғараз ёрдами ҳақида гапирди. Йиғилиш қарорида институт жамоат ташкилотлари ва профессор-ўқитувчиларининг мазкур хайрли иш бўйича бундан буёнги вазифалари акс эттирилган қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича

ғолиб лойиҳаларга ажратилган Давлат гранти лойиҳаларининг тегишли кафедраларда бажарилиши масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда 3 та лойиҳаниннг ижроси бўйича профессор-ўқитувчилар Н.Алимов, Х.Тўрақулловларнинг ахборотлари тингланди. Лойиҳа асосида чиқарилаётган китоблар, илмий-услубий қўлланмалар, мақолалар таҳлил қилинди ва бу борадаги янги вазифалар белгилаб олинди.

Талаба қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, боқувчисини йўқотган ёш оилалар тарбияси ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида институтда олиб борилаётган ишлар ҳақида институт хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Узоқованиннг маърузаси муҳокама қилинди. Институтда талаба қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар қилинганлиги қайд этилди ва бу борада янги таклифлар илгари сурилди. Хотин-қизлар институтда катта куч эканлигига қарамай жамоада вилоят ва республика миқёсида ўрнат бўладиган, аънамага айланган тадбирлар ўтказишга хотин-қизлар қўмитаси бош-қош бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Кенгашда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

2-БЕТ

**САРВАРНИНГ  
ОЛТИН  
ВА КУМУШ  
МЕДАЛИ**



**ЖУМ-ЖУМСОЙ  
БЕТАҚРОП ТАБИАТИ**

3-БЕТ

ТАЛАБАЛАР  
АМАЛИЁТДА

4-БЕТ

**Шеърят  
гулшани**

**ШАЙХ САЪДИЙ  
РИВОЯТЛАРИДАН**





